



**Мавзу: Тадбиркорнинг кредит, фоиз, сұғурта, солиқ тўловлари ва
уларни оптималлаштириш йўллари хусусида**

Хакимов Одил Арзикулович

Термиз давлат университети мустақил изланувчиси

Аннотация

Мазкур тадқиқот ишида тадбиркорлик фаолиятини молиявий қўллаб-куvvatлашда кредит, фоиз, сұғурта ва солиқ тўловлари билан боғлиқ муаммолар ҳамда уларни оптималлаштириш йўллари таҳлил қилинади. Кредит шартномаларидағи қатъий талаблар, жарималарнинг шаффоғ эмаслиги, сұғурта амалиётидаги манфаатлар тўқнашуви ва солиқ юкламаларининг оғирлиги тадбиркорларни молиявий инқизорзга олиб келаётгани кўрсатиб ўтилган. Шу билан бирга, ички таътиллар тизимини жорий этиш, сұғурта шартномаларини мустақил экспертиздан ўтказиш, ва янги тадбиркорлар учун имтиёзлар жорий қилиш каби таклифлар илгари сурилган. Илмий ёндашув асосида соҳада инновацион фикрлар ва маслаҳат кенгашларини шакллантириш орқали тадбиркорларнинг молиявий барқарорлигини ошириш мумкинлиги асослаб берилган.

Калит сўзлар:

тадбиркорлик, кредит, фоиз, жарима, пенья, сұғурта, солиқ тўловлари, оптималлаштириш, банк, шартнома, молиявий инқизорз, рақобат, имтиёз, инновацион ёндашув, маслаҳат кенгаши.

Банк ва мижоз ўртасида тузилган шартномаларга мижозларнинг эътиборсизлик билан қарashi натижасида мижозлар молиявий фаолияти ёмонлашишига сабаб бўлмоқда. Биргина, доимий даромадга эга бўлмаган аҳоли тадбиркорлигини ривожлантириш учун берилаётган кредитларни ҳам 3-5-7 йилга берилган бўлишига қарамасдан ҳар ойнинг белгиланган санасида фоиз ва асосий қарзларни тўлаши шартлиги шартномаларда



белгиланиши, ўз вақтида тўланмаган қарз учун 1 ёки 1,5 баробар ҳисобланган ҳолда фоизларни ундирилиши янги тадбиркорликни бошлаганларни молиявий жиҳатдан қийнаб кўймоқда. Бунинг натижасида, банкларда NPL ҳам ортиб кетмоқда. Бундан ташқари, 3 ойдан ошган кредитларни судга берилиши натижасида уларга 5 % давлат божи ва 4 % ижро йигимларини қўлланиши ҳам молиявий ҳолатни оғирлаштириш билан бирга тадбиркорни бирдан банкрот ҳолатга олиб келмоқда. Бугунги кунда мижозга фоизларни кечикиб тўлаганлик учун шартномада белгиланган 1 ёки 1,5 баробар қўшимча фоиз ҳисоблаш кредитнинг асосий қисмининг 50 %дан ўтмаслиги кераклиги белгиланган бўлишига қарамасдан, банкларда фоиз ҳисоблаш 50%га етганда тўхтатиш автоматлаштирилган тизимга ўтмаган.

Кредит учун ички таътилни олиш тартиблари белгиланмаганлиги сабабли, жисмоний шахсларнинг ўзига боғлиқ бўлмаган ҳолда ҳар хил ҳолатларга, яъни, касал бўлиши, таътилга чиқиши, болаларига тўй қилиб кўпроқ чиқимли бўлиб қолиши ва бошқалар ҳолатларда ички таътилни 3 ёки 6 ойга чўзиш имконини бериш керак. Ушбу ҳолатни ҳам автоматлаштириш орқали илгари кредит ва фоизларни ёпишда муаммоси бўлган мижозларга яна кредит берилишига рухсат бериладиган қилиш зарур.

Мижозларга кредитларни ўз муддати тўламаганлик учун банк томонидан белгиланадиган жарималар миқдори ёки фоизини ҳам банклар кесимида статистикаси ижтимоий тармоқ ва журналларда мавжуд эмаслиги ҳам рақобат мухитига салбий таъсир қилмоқда. Қарз олувчи **кредит қайтариш муддатларини бузганда** шартномада белгиланган фоиз ставкасини тўловлар жадвали бўйича муддати ўтган қисмига нисбатан (неччи марта ёки фоизга) **мартага оширилган ҳолда ҳамда ҳисобланган фоизларни тўловлар жадвали бўйича тўлаш муддатларини бузганда** эса ҳар бир кечикирилган кун учун кечикирилган тўлов суммасининг белгиланган фоизи миқдорида **пенья** ҳисобланади. Мижозлар жарима бўйича маълумотларга кредит олиш вақтида деярли аҳамият бермайди ва



буни натижасида уларни фоизларни ўз вақтида ёполнмаган вақтида катта миқдорда жарималар тўлаш оқибатида банкрот ҳолатига тушади. Барча тадиркорлар бугунги кунда ушбу жарималарни таҳлил қила олиш имкониятига эга эмаслиги натижасида тадбиркорлар молиявий инқирозга учрашмоқда.

Тадбиркорларнинг молиявий ҳолатига таъсир қилиб келаётган яна бир асосий эътибор берилиши керак бўлган жиҳатлардан бири бу банк мижозларининг муаммоли кредитлари бўйича суд идоралари томонидан белгиланган, ундирилган давлат божлари ва ижро йигимларини банклар ҳамда соҳалар кесимида юритилмаслигидир. Ушбу маълумотларни ҳам ойма-ой шаффоф тарзда статистикаси юритилиши ҳам ушбу соҳада етарлича тадқиқотлар олиб бориш ҳамда таклифларни ишлаб чиқилишига замин яратган бўларди.

Тижорат банкининг мижозлар билан тузган кредит шартномаларида контрагентини хуқуқларини ҳимоя қилиш ва камситилишини олдини олиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Рақобат қўмитаси ва Истеъмолчилар хуқуқларини ҳимоя қилиш федерациясидан банк шартномаси экспертизадан ўтказиш зарур деб ҳисоблаймиз.

Банкларда берилаётган кредитларнинг сугурта тўловлари бўйича тузилган шартномаларни ҳам юқорида айтганимиздек контрагентни хуқуқларини ҳимоя қилиш ва камситилишини олдини олиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Рақобат қўмитаси ва Истеъмолчилар хуқуқларини ҳимоя қилиш федерациясида шартномалар экспертизадан ўтказилиши зарур. Тижорат банкларидан мобиль иловалар орқали онлайн кредит олиш жуда осон ва қулай йўлга қўйилди, бу албатта банкларнинг эришган ютуғи ҳисобланади. Эътиборлиси, микроқарз олинганда банк кредитини қайтмаслик хатари 0.2 дан 1 фоизгача сугурта қилинмоқда. Шунингдек, сугурта компаниялари банк ишчилари орасидан агент сифатида топган ходимга 40-60 % гача сугурта мукофати берib келмоқда.



Демак, сугурта компаниялари скоринг усулида кредитларни беришда бирор бир заарсиз ишлаш тизимиға кириш орқали 60 % маблағни сугурта агентига берганда ҳам 40 % даромад кўрмокда. Шу сабабли, барча банкларп қошиида сугурта ташкилотлари очилган.¹ Холбуки, «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги қонуннинг 7-моддасида² «Сугурта фаолияти банклар учун таъқиқланган ёки чекланган фаолият ҳисобланави» кўрсатиб ўтилган. Бошқа кредитлар бўйича сугурта тўловлари ҳам шундай аҳволда амалга оширилмоқда. Шу сабабли, сугурта ташкилотларини танлаш ва сугурта тўловларини мижозларга қайтарилиш тизимини автоматлаштириш зарур.

Янги очилган ҳар қандай тадбиркорлик фаолиятидан 6 ойгача солиқ тўловлари олмасликни жорий қилиш керак. Бундан ташқари, солиқ идораларида пенья қўллаш тизимини умуман йўқ қилмас эканмиз, тадбиркорлар борган сари ботқоғга ботиб кетаверади. Тадбиркорларни ўзи каби тадбиркорлар билан солиштирган ҳолда катта миқдорда солиқ тўлаганларини рағбатлантириш механизmlарини ишлаб чиқиш керак.

Тадбиркорлар кредит эвазига ишлаб чиқариш учун асосий восита олганда ҳамда маҳсулотларни қайта ишлаш учун кредит олганда молмулк солиғини кредит ёпилгунга қадар тўламаслик механизмини яратиш керак. Ишлаб чиқаришлар кўпчилик ҳолда айланма маблағлар билан таъминланмаслиги оқибатида кредитлар қайтмасдан муаммога айланмоқда.

Ҳар бир йўналишда йўл кўйилган камчиликларни қайд қилиш, ушбу хатони бошқа шахс қилмаслиги учун ёзиг бориши механизми йўлга кўйиш зарур. Юртимизда кўпгина ташкилотларда ишлаб нафақага чиқсан нафақаҳўрлардан оқилона фойдаланиш керак. Таҳлилларимизга кўра, банкларда кўп йиллар раҳбарлик қилиб келган изланувчан раҳбарлар банкдан бирор бир сабаб билан тадбиркорлик соҳасига ўтиб, ишлаб

¹ Ҳалқ банки «Ҳалқ сугурта» компанияси, Ипотека банки «Имкон сугурта», Траст банки «Gross insurance», Капитал банки «Капитал сугурта» Хамкор банк «Хамкор сугурта» ва бошқалар

² Ўзбекистон Республикасининг «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги қонуни, 05.11.2019 йилдаги ЎРҚ-580-сон.



бошлагач, бошқача инновацион ғоялар, фикрлар туғила бошлайди. Бироқ бизда ушбу фикрларни шу каби тадбиркорлардан жамлайдиган тизим мавжуд эмас. Шу сабабли, соҳаларда кўп йиллар раҳбарлик лавозимларида ишлаб тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиб келаётган фуқаролардан иборат онлайн волонтёрик маслаҳат кенгашлари ташкил қилиш керак. Маълум бир соҳада иқтисодий пасайиш бўлиб бошласа ёки муаммолар ортса масалани кўндаланг ҳолида ушбу кенгашга муҳокамага қўйиш керак. Ҳеч бир фикр танқидга учраши керак эмас. Ушбу фикрларни жамлаш, улар устида ишлаш эса, бизнинг фикримизча, иқтисодиёт бошқармаси ва олий таълим муассасасида бўлиши шарт. Ҳар бир муаммони илмий иш сифатида амалга ошириш, уни таҳлил этиш ва тавсиялар бериш обьектига айлантириш зарур.

Тадбиркорларнинг шартнома шартларига кўра ўз вақтида кредитни тўлай олмаслик оқибатида юзага келган жарима, пенья ва неустойкаларни мамлакат ички инвестиция маблағлари сифатида қаралган ҳолда фуқаролик кодексида банк кредитлари ва солиқ тўловларига нисбатан ушбу жарима, пенья ва неустойкаларни бекор қилиш керак деб ҳисоблайман. Банк сири қонунидан келиб чиқкан ҳолда тижорат банклардан кечикирилган кредит тўловлари учун ҳисоблаб ундирилган жарималарни (16405 ҳисоб рақам бўйича) маълумотини олишни имкония бўлмаганлиги ҳам мазкур соҳада таҳлилларни қилишга имконият йўқлигини кўрсатади.

Тижорат банкларидан мобиль иловалар орқали онлайн кредит олиш жуда осон ва қулай йўлга қўйилди, бу албатта банкларнинг эришган ютуғи ҳисобланади. Эътиборлиси, жисмоний шахслар томонидан микроқарз олинганда банк кредитини қайтмаслик хатари учун қулайлик мақсадида суғурта тўловлари тўланмоқда. Худди шундай, юридик ташкилотлар томонидан кредит маблағлари олинишида ҳам суғурта тўловлари амалга оширилмоқда. Шу сабабли, барча суғурта ташкилотлари бўйича кредитларнинг қайтармаслик хатари учун олинган суғурта бадаллари ва



ҳақиқатда қайтмай қолган кредитларнинг турлари кесимида тўланган сугурта бадаллари бўйича умумлашган маълумотларни бериб борилиши керак деб ҳисоблаймиз.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги Қонуни. – <https://lex.uz>
2. Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси. – <https://lex.uz>
3. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси. – <https://lex.uz>
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори: “Тадбиркорлик субъектларини қўллаб-куватлаш ва уларнинг молиявий барқарорлигини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”. – www.president.uz
5. Хакимов О.А. “Тадбиркорликда молиявий барқарорликни таъминлашнинг замонавий усуллари” // Иқтисодий таҳлил журнали, 2024, №3. – Б. 45–53.
6. Ғаниев Б.Ҳ., Шарипов А.Ҳ. “Банк иши ва кредитлаш асослари”. – Т.: Иқтисод-Молия, 2021.
7. Комилов Б. “Тадбиркорлик фаолиятида молиявий менежмент” – Тошкент, 2022.
8. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки сайти: <http://www.cbu.uz>
9. Давлат статистика қўмитаси расмий сайти: <https://stat.uz>
10. Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитаси маълумотлари – <https://anticorruption.uz>